



«1» септибр 2013 йил

№ 585/К

QAROR

Каттақўрғон шаҳар Оби Хаёт кўчаси атрофида дорихона, аҳолига маданий маиший ва савдо хизмат курсатиш мажмуаси қурилишга рухсат бериш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хужалигига оид бўлмаган бошқа эхтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини, Каттақўрғон шаҳар Д.Ишбеков 2-берк кўчаси 3 уйда яшовчи Шарипова Нилуфарни шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар Д.Ишбеков 2-берк кўчаси 3 уйда яшовчи Шарипова Нилуфарга Оби Хаёт кўчасида жойлашган буш турган 200,0 кв.метр ер майдонида дорихона, аҳолига маданий маиший ва савдо хизмат курсатиш мажмуаси қуришга ва атрофини ободонлаштиришга рухсат берилсин.
3. Каттақўрғон шаҳар Д.Ишбеков 2-берк кўчаси 3 уйда яшовчи Шарипова Нилуфарга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида қуриш учун ҳужжатларини расмийлаштириш юкланади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
4. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган ҳолда, шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда Каттақўрғон шаҳар хўжалик ҳисобидаги «Ер тузиш ва кучмас мулк кадастр» хизмати давлат унитар корхонаси зиммасига юклатилсин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Шаҳар ҳокими

С.З.Раззақов